



## MODERN MILITARY ADMINISTRATION - FROM ANCIENT ART TO NEW SCIENCE

Dilmurod Solijonovich Karimov,  
Senior Lecturer, Department of Martial Arts,  
Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

### Замонавий ҳарбий бошқарув – қадимий санъатдан янги илмгача

Дилмурод Солижонович Каримов,

ЎР Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий санъат кафедраси катта ўқитувчиси.

#### Abstract

The brief analysis which is about the control includes occurring and perfecting of army command management is indicated in this article. The army command management system is how subordinate the developing of force composition and management techniques are clearly stated.

**Keywords:** *governing science, governing theory and art, governing bodies, troops.*

Бу мақолада, бошқарувни шу жумлада қўшинлар бошқарувини яралиши (пайдо бўлиши) ва такомилланиши бўйича олиб борилган қисқа таҳлил натижаси хавола этилган. Бунда, қўшинлар таркиби ва бошқарув техник воситаларининг ривожланишидан қўшинларни бошқариш тизими қанчалик тобелиги кўрсатилган.

В данной статье проведен краткий анализ возникновения развития, и совершенствования управления в том числе и управления войсками. Показана зависимость развития управления войсками от развития технических средств управления и состава войск.

Калит сўзлар: бошқарув илми, бошқарувни назарияси ва санъати, бошқарув органлари, қўшинлар.

*Ключевые слова:* наука управления, искусство и теория управления, органы управления, войска.

Одамзод ер юзини эгаллаши ва қабила бўлиб яшашни бошлаши билан тез орада бошқарув илми ва санъатига эҳтиёж пайдо бўлган. Шубҳасиз, бошқарувга илк





эхтиёж, қабилада тартиб ва интизомни ушлаб туриш ва айниқса қабилани ёввойи хайвонларни хужумидан ҳамда қабилага тегишли унимдор ерларни егаллашга уринган бошқа қабилалардан химоя қилувчи одамлар тўдасини бошқаришда заруриятдан пайдо бўлган дейилса муболаға бўлмайди. Биргаликдаги меҳнат (ов қилиш, овқат тайёрлаш ва уни тақсимлаш, турар жойлар қуриш, кийим – кечак ҳамда меҳнат ва ов қилиш қуролларини тайёрлаш), ёввойи хайвонлар ва душманлар хужумидан химоя қилиши иқтисодий ва ҳарбий бошқарувни пайдо бўлишига туртти бўлган. Ривожланишнинг бу босқичида, қабила аъзолари ичида юқорида айтилган биргаликдаги меҳнатда мажбуриятларни тақсимлаб бериш зарурияти туғилган ва бу вазифаларни тақсимлаб бера оладиган одамлар пайдо бўлган. Даҳшатли, тушуниб бўлмайдиган табият ҳодисалари, атрофдаги чирой ва хайратга соладиган дунёнинг мукаммалиги одамлар онгида илоҳийятга, ғайритабиийлаққа ҳамда завқ ва ахлоқийлик заруриятини туғдирди. Асрлар ўтадики, одамларнинг ижтимоий ҳаётида бошқарув ўзини муҳимлигини йўқатмайди.

Одамзод фаолиятининг илк даврладан бошқарувни таҳлили ва тажрибаларидан бизга фақат айрим, қисқа ва нотўла маълумотлар етиб келган. 5 минг йилдан ортиқ шумер цивилизациясига мансуб даврда ёзилган хужжатлар топилмасида, қадимги бошқарувчилар маъмурий бошқарувнинг мол-мулкнинг ҳисобга олиш, фактларни рўйхатга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш каби ишларни муҳимлигини яхши тушунишганлигини кўрсатади. Қадимги дунёнинг улкан қурилмари бугунга келиб нафақат ўзининг кўламлиги ва миқёслиги балки ўша даврдаги қурувчиларнинг бу ишларни ташкиллаштириш ва олиб бориш бўйича юқори истеъдод эгалари бўлганлиги ҳайратга солиб келмоқда: чунки 100 000лаб ишчилар уюшмасини ўн йиллаб қурилиш ишларида бошқариб келиш, ҳозирги кунда ҳам замонавий техникалар ва бошқарув соҳасида юқори тафаккурга эга бўлишимизга қарамсадан бошқарув тизимидаги мутахассисларга қийин вазифа бўлиб туйилмоқда. Мисрликлар ишлаб чиқариш дастурларини режалаштириш ва ишлар бажарилиши устидан назорат қилишни кенг ва муваффақиятли қўлаша олган. Тахминан 4000 йил олдин, уюшма (коллектив)ни бошқариш бўйича усул ва услублари “Птаххопет Таълимоти” (Қадимги Миср б.э.о.2000-1500 й.й.) номли асари ёзилган. Бошқарув санъатини буюк билимдони Птаххотеп ўз асарида шундай маслаҳат беради: “Агар сен бошлиқ бўлсанг, сенга мурожат қилувчини тинглаётганинда хотиржамлик сақла: мурожат қилувчи сенга айтмоқчи бўлиб





дилидаги дардини тўлиқ айтиб бўлмагунча уни жиркиб юборма. Билгинки, бахтсизликка дучор бўлган одам ўз мурожатини ижобий хал бўлишидан ҳам, кўнглидаги дардини тўлиқ айтиб олишни кўпроқ истайди”.

Вақт ўтиши билан бошқариш жараёни янада тартибли ва холисона бўлиб борди, давлат, армия ва б. каби бошқарувни махсус функцияларини бажариш учун кўпроқ одамлар гуруҳлари жалб қилина бошланди.

Бугун бошқарув – бу, қадимий санъат ва янги илм деб саналмоқда.

Буюк олимлар (Г. Кунц, С.О. Доннел ва б.) бошқарув биринчи навбатда санъат деб таъкидлашган: “Бошқарув жараёни санъатдир, унинг моҳияти илмни (бошқарув доирасидаги таянч билимларини) ҳар қандай реал вазиятда қоллай олишдадир”.

Бошқарувда илмни роли тўғрисида улар шундай дейишган:

*“Бошқарув бўйича фаолият санъат бўлсада, у билан шуғулланаётган одамлар бунинг негизидан турган илмни яхши тушунса ва қўллашса янада яхшироқ натижаларга эришади. Ҳар қандай жамиятда ижтмоий ҳамкорлик самарадорлиги асосий деб ҳисобланганда унда бошқарув – барча санъатлар ичидан энг асосийси деб қўрқмасдан таъкидлаш мумкин”.*

Буюк немис ҳарбий назарётчиси Карл фон Клаузевиц ўз “Уруш ҳақида (О войне)” номли асарида илм ва санъатни ўзаро узвий алоқаси тўғрисида анча насихатомуз фикрлар юритган. У илмни мақсади бу – билим, санъатни мақсади эса – бу маҳорат (қобилият)дир деб таъкидлаган. *“Қаерда ижод ва яратувчилик мақсад қилинган бўлса у ерда санъат ҳуқумронлик қилур, илм эса тадқиқот ва билим олий мақсад қилинган жойда ҳуқум суради”.*

Таъкидлаш лозимки, вақт тақазоси билан (армия таркиби ва сон жихатдан кўпайиши, янги жанг олиб бориш қуроллар ва армияни бошқариш техник воситаларни пайдо бўлиши) бошқарув жараёни анча тартибли ва холисона бўлиб қолди, бу жарёнга давлат, қўшинлар ва ш.к. бошқариш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун кўпроқ одамлар жалб қилина бошлади.

Турли тарихий манбаларда штабни командирнинг бошқарув органи сиффатида ҳар хил даврларда ёдга олинади, бироқ штабни бошқарув органи сиффатида биринчи ёдга олиниши Искандар Зулқарнайин (Александ Македонский) даврига мансубдир.

Кулик ва феодал жамиятининг армиясидаги лашкар бошиларда мавжуд бўлган ординарлик хизмати, - лашкарбошининг хохши (буйруқ, талаби)ни қўшинларга етказиб берадиган махсус тайинланган шахсларни фаолияти, қўшинларни бошқаришда ёрдам беришни тўлақонли таъминла олмас эди.





Қуrolли тўқнашувлар олиб бориш бўйича усул ва воситаларни, армия таркиби ва сон жихатдан кўпайиши, янги жанг олиб бориш қуrollар ва армияни бошқариш техник воситаларини ривож билан командир (лашкарбоши)га ёрдам учун махсус бошқарув органи яратилиш зарурияти пайдо бўлди. Рус армиясида штаб деб номланувчи бундай бошқарув органи армия бошқўмондонлигида илк бор 18 асрда барпо этилди.

19 аср бошларига келиб мунтазам пиёда дивизиялари ва корпуслари тузулиши муносабати билан бошқарув органлари қайтадан мослаштириб шакилланди. Бироқ, штаб деб барча дала бошқаруви тушунилар эди ва шунинг учун уни таркибига қўмондонга бўйсинувчи барча бошлиқлар кирар эди. Шу билан бирга квартемейстерлик хизмати (оператив раҳбарлик) ва навбатчи генераллар ва офицерлар хизматларини ўзини бевосита бўйсинувида қамраб олган штаб бошлиғи лавозими киритилди. Штаб бошлиғи бу хизматларни фаолиятига бевосита жавобгар эди, бироқ уларни ва бутун штабни қўшинларни бошқарувидаги роли деярли сезиларли даражада эмас эди.

Бу борада Наполеон армиясидаги штаб бошлиғи маршал Бертъени ўз фаолиятига берган баҳоси бунга яққол исботи деб хисобланади, у маршал Сультуга ўзини ёзган хатида: “..... мени армияда ҳеч қандай ўрним йўқ, мен фақат генераллар ва маршаллардан император номига келган хабарномаларни оламан ва уларни буйруқлар билан маҳкамлайман холос” деб ёзади. [2].

Бугунги кунда, бошқарув илм бўлиб, ўзига хос хусусиятли муаммолари ва уларни ечими бўйича йўналишларини ўрганиш фанига эга.

Замонавий шароитларда бошқарувни ҳолати ва ривожланиши ҳаққоний равишда Қуrolли Кучларни жанговар салоҳияти ва жанговар шайлигини асосий кўрсаткичи деб баҳоланади. Бошқарувни асосий мақсади операция (жанг)да қўйилган вазифаларни бажаришда қўшинларни максимал ва самарали қўлланишини таъминлашдан иборатдир. [2].

Ҳарбий бошқарувни қонунларидан бири (Қуrolли Кучларни таркиби, моддий-техник базаси ва бошқарувни шароитидан бошқарувни ташкилий усул ва услубияти тобелик қонуни) жанг (жанговар ҳаракатлар) олиб борилиши ва натижаси жанг олиб бораётган қарама-қарши томонларни иқтисодий, маънавий-руҳий, илмий-техник ва албатта ҳарбий имкониятларини ўзаро нисбатига боғлигини таъкидлайди. Иккинчи жаҳон урушини бошланишидан олдин Германия юқорида келтирилган имкониятларни барчасига эга эди, шунинг учун қисқа вақт ичида деярли қийинчиликсиз Австрия, Чехославакия, Совет Иттифоқини катта ҳудудларини ҳамда уша пайтда ўз салоҳияти бўйича





пастроқ бўлган Франция ва Польшани эгаллашга қодир бўлди. Бироқ, қарама-қарши жанг олиб бораётган томонларни жанговар ҳаракатлардаги кучларини салоҳиятини ўзаро нисбатидан ҳам уларнинг қайси томон мавжуд жанговар имкониятларни тўғри қўллай олишига кўпроқ боғлиқдир, жанговар имкониятларни тўғри қўллай олиш эса тўғридан – тўғри бошқарувни самаралигига боғлиқдир.

Жанг ва операцияларда ғалаба қозониш учун кучлироқ бўлиш шарт эмас. Фаол жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган зоналарда куч ва воситаларда устунликни қўлга киритса етарли, яни, томонлар бир – бирига қаерда ва қачон кўпроқ талофат етказа олишига боғлиқдир. [2]. Мавжуд куч ва воситаларни асосий (муҳим) йўналишлар (участкалар)га йўналтираолиш (жамлаш) ҳам куч ва воситаларни бошқараолиш санъатига боғлиқдир. Биз тарихдан моҳир лашкарбошилари билан душман билан кучлари ўзаро тенг ёки кучлари ундан кам бўлишига қармасдан жанг саъанти бўйича илм ва билим салоҳиятига эга бўлмаган лашкарбоши кучлари устидан ғалаба қозонгани бўйича кўп мисолларни биламиз. Масалан, Искандар Зулқарнайин (Александр Македонский) бор ёғи 300 минглик армияси билан Дарий III бошчилигидаги сон жиҳатдан бир неча бор устун бўлган армияни тор-мор қилгани, Бобур 12 минглик аскарлари билан худуд хусусиятларини тўғри қўллаб Дехли султони бўлмиш Иброҳимни Лудийнинг 100 минглик армияси устудан ғалаба қозонгани ва ҳ.к. [1].

Хозирги технологияларни ривожланиши, қуроли моажароларни олиб бориш бўйича пайдо бўлаётган янги усуллар ва воситалар даврида, бошқарувни самарадорлигини ошириш бўйича масалалар ўта долзарб бўлиб бормоқда. Бунга эришиш йўллари турлидир улардан: бошқарув тизимидаги ташкилий тузилишини яхшилаш, юқори самарали бошқарув техник воситаларини ривожлантириш ва жорий қилиш, штабларнинг ишлаш усул ва услубларини такомиллаштириш, бошқарув органларга кадр тайёрлаш тизимини яхшилаш ва б.

Хозирга даврда ҳам қадимги замонлардек бошқарувни вазифасини белгилашда, бошқарувдан мақсадга эришиш учун бошқарув органи қай тартибда ва нималарни қилиши керак деган саволга жавоб топиш лозимдир.

Масалан, замонавий шароитларда (давр тақозаси) қўшинларни доимий жанговар ва сафарбарлик шайлиқда ушлаб туриш учун бошқарувга мақсад узоқ муддатли бўлиши хосдир, бу билан қўшинларни ҳарбий тажовуз оқибатида келиб чиққан ҳабрий ҳаракатларга ва белгиланган жанговар вазифани (мўлжаланиши бўйича





вазифаларни) кафолатланган тарза бажариш учун жанговар шайликда туришларини таъминлашга эришилади.

Ҳар қандай тизим ўзаро чабарчас боғлиқ ва биргаликда муаян яхлитликни келтириб чиқарадиган бирталай турли элементларни ўз ичига қамраб олади[3]. Замонавий шароитларда қўшинларни бошқариш тизими мураккаб бўлиб, ўз ичига жуда кўп таркибли элемент ва тизимости тармоқларни қамраб олади, уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаши, ҳарбий округ қўшинларининг таркибий тузилиши ва таъминланганлигига боғлиқдир. [2].

Бошқарув органини ташкилий тузулиши бошқарувни такомиллашишига аҳамиятли роль ўйнайди.

**Бошқарувнинг ташкилий тузилишини яратилиши бу** – бошқарувни ташкиллаштириш бўлмиш умумий функцияларининг негизи ва асосий қисмидир.

Одатда қўшинларнинг жанговар ва миқдорий таркибида, жанговар ҳаракатлар характерида, бошқарув воситаларнинг таркиби ва ҳолатида ўзгаришлар бўлса, бошқарув тизимига керакли тузатмаларни киритиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Ташкилий тузилиш бу** – бошқарув тизимининг ва унинг тизимости (бошқарувнинг объекти ва субъекти) элементларини ўзаро ташкилий муносабатларини акс этувчи тузилишдир.

Ташкилий таркибни хусусиятлари бошқариш жараёнини мураккаблиги, хилма-хиллиги, бошқарув органида бошқарувчилик меҳнати ва вазифаларни ихтисослашганлиги даражасида тўғри тақсимланиши, бошқарувчилик фаолиятининг миқёси ва уни характери билан белгиланади.

Бошқарувнинг ташкилий таркибининг негизи, бошқарувга қўйилган умумий мақсадларга эришишга йўналтирилган барча тарқоқ бироқ, ўзаро боғланган элементларнинг (таркибий бўлинмаларнинг) ва фаолият турларининг жамламасидан иборатдир.

Шундай қилиб, қадимги замонлардан бизнинг кунимизгача жамият тараққиёти йўлида бирон бир қўйилган мақсадга эришиш ниятида ишларни ташкиллаштириш ва бажаришда инсонларни уюштириш ва уларни бошқариш зарурияти сақланиб келмоқда.

Хозирги даврда, илмий-техник тараққиёти таъсири натижасида жанговар ва махсус техника ҳамда қуроллар мунтазам равишда такомилланиши, операция (жанг) олиб бориш усул ва услубларини шиддат билан узгайиб бориши натижасида бошқарув органлари сони, таркиби ва ўзаро боғлиқлигини ушлаб



қолиш табора қийинлашиб бормоқда ҳамда қўшинларни бошқаришга кундан-кунга юқори талаблар қўйилмоқда. Бошқарувга қўйилаётган замонавий талабларни тўлиқ бажара олиш муаммоси хозирги кунда ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, қўшинларни бошқаруви доимий равишда такомиллашиб бориш керак, чунки, жанговар техника ва қуролларнинг ҳамда қўшинларни жанговар имкониятларини ошириш йўлидаги илмий-техник тараққиётнинг чегараси йўқ.

Бошқарувни доимий равишда ошиб келаётган талабларга тўғри келтириш масаласи хар доим долзарблигича қолаверади, сабаби ўзини ривожда қолиб кетган бошқарув замонавий қуролланган можаролар шароитида, қўшинлар жанговар имкониятини ва харакатларини тўлиқ ва самарали намоён қилишидан чеклаб қўяди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – ЎЗМЭ 2 “Бешик-Гидрофизика”, ДИН. Т.: 2001. С.85-86.
2. Алтухов П.К. Основы теории управления войсками. – ВИ., М.: 1984. С.3-4,10-16,67-74.
3. Халилов Р.М. Основы военного строительства и строительства Вооруженных Сил. Учебник – Т.: АВС РУ, 2020. ДСП, инв. № 2058. С 49,50.

### **Адрес**

100023, г. Ташкент, Мирзо Улуғбекский район, ул. Паркент-2, Академии ВС РУ.

Тел.: (+998 71) 289-97-22, 289-97-17

Факс: (+998 71) 268-02-70

E-mail: akaduz@umail.uz

akaduz@yandex.ru

E-xat: so-akadvs@exat.uz

